Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

2009 ЙИЛ, 21 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 14 (11.325) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қарши шаҳрида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари иштирокида минтақавий семинар бошланди. Семинарда иқтисодий-ижтимоий мавзулар бўйича маърузалар уюштирилади, давра суҳбатлари ташкил этилади.

● Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Васийлик Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамғарманинг «Маслаҳат Кенгаши» ҳамда «Эксперт» комиссияси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Фарғона вилоятидаги мавжуд саккизта пахта тозалаш корхонасида уруғлик чигит тайёрлашга киришилди. Айниқса, Қўқон ва Тошлоқ туманларида уруғлик чигит тайёрлайдиган алоҳида ишлаб чиқариш линияларининг ишга туширилганлиги меҳнат унумдорлигини янада оширмоқда.

● Тошкент вилояти «Маънавият ва маърифат» марказида «Наврўз-2009» умумхалқ байрами ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Қалбимда Ватан мадҳи» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳарлардан келган ёш истеъдодлар, ҳаваскор хонандалар Ватан, эл-юрт мадҳи тараннум этилувчи қўшиқлари билан қатнашишди.

● Қарши шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳаллаларда олиб борилган профилактик ишлар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш ишларига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими ҳамда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш идоралари вакиллари иштирок этган ана шундай йиғилишлардан бири Пахтазор, Пахтазор-1, Ойдин маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

● Қува туманида ёш ижодкорлар фестивали ташкил этилди. Туман ҳокимлиги, халқ таълими, «Камолот» ЁИҲ ҳамда Маънавият тарғибот маркази туман бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўқувчи-ёшлар ўзлари тайёрлаган кўргазмалари билан иштирок этишди.

● Бобур номли Андижон вилоят театрида бўлиб ўтган анъанавий «Наврўз ялласи» кўрик-танловида халқ қўшиқлари, лапарлар, ўланлар, қадимий халқ куйлари янгради. Ушбу танловда кўплаб ёш истеъдодлар кашф этилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Россиянинг «Газпром» компанияси икки ҳафталик танаффусдан сўнг Украина ҳудуди бўйлаб Европага газ етказиб беришни бошлади. Россия гази дастлаб Словакияга етиб борди, сўнг Чехия, Венгрия ва Хорватия ундан баҳраманд бўла бошлади.

● Кеча Вашингтонда АҚШ Президенти Барак Обаманинг инаугурация маросими бўлиб ўтди. Унда қасамёд қилган Обама расмий равишда Шимолий Америкининг 44-президенти сифатида ўз вазифаларини бажаришга киришди. Барак Обама молиявий инқирозни бартараф этиш, ишчи ўринларини яратиш, Америкининг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратишини маълум қилди.

● ФАТХ етакчиси Маҳмуд Аббос Фаластинда коалицион ҳукумат тузиш ташаббуси билан чиқди. Унинг фикрича, бу ҳукумат таркибига ФАТХ ва ХАМАС вакиллари киради. Кейин эса президент ва парламент сайловлари ўтказилади. Шу тариқа Маҳмуд Аббос Фаластинда тинчлик ўрнатиш учун бирлашиш лозимлигини таъкидлади.

● Кеча Словакияда миллий валюта бутунлай муомаладан чиқарилиб, барча операциялар еврода амалга оширила бошланди. Зеро, Словакия шу йилнинг 1 январидан расман еврохудудга кирди ва ушбу зонадаги 16-мамлакатга айланди.

● Кеча 52 ёшли Акио Тойода Японияннинг машҳур «Тойота» компаниясининг янги президенти этиб тайинланди.

● Буюк Британиядаги энг кекса олий ўқув юртларидан бири Кембриж университети ўзининг 800 йиллигини нишонламоқда. Кеча университет юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, Кембриж университети дунёдаги бешта энг обрўли олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Уни битирганларнинг 83 нафари Нобель мукофоти соҳиблари бўлишган. Университет юбилейи йил бўйи давом этади.

● Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ир ўзидан кейин Корея меҳнат партияси раҳбарлиги лавозимини эгаллайдиган шахснинг исмини маълум қилди. У ўзининг ўғли Ким Чен Ундир. Ким Чен Ун ҳозирда 25 ёшда бўлиб, Берн халқаро университетида таълим олган. Таъкидлаш керакки, Шимолий Корея раҳбари меросхўрни кутилганидан олдин эълон қилди. Бу унинг соғлиғи билан боғлиқ.

● Ўрта Ер денгизида ноқонуний муҳожирлар кетаётган кеманинг тўнтарилиб кетиши оқибатида 30 киши бедарак йўқолди.

● Ирландия ҳукумати мамлакатдаги йирик молия муассасаларидан бири — «Anglo Irich Bank»ни давлат тасарруфига ўтказишга қарор қилди. Ҳукумат мижозларнинг банкка бўлган ишончини йўқотмаслик ва иш жойларини сақлаб қолиш мақсадида зарур бўлган маблағни ажратишга тайёр эканлигини билдирган.

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 22-23 январь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖИ

СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИНИ ЭГАЛЛАБ, БАРЧА СОҲАЛАРДА ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИНИНГ БАРҚАРОР СУРЪАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА. МАЗКУР АЛОҚАЛАР ХАЛҚЛАРНИНГ КЎП АСРЛИК ИЛДИЗГА ЭГА АЗАЛИЙ ВА АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИГА АСОСЛАНАДИ.

Давлатларимиз ўртасида олий даражадаги музокараларни ўтказиш мунтазамликни касб этмоқда. Ҳукуматлараро, парламентлараро, идораларо мулоқотлар, ишбилармон доира вакиллари форумлари анъанавий тусда давом этаяпти. Минтақаларарo ҳамкорлик ҳам фаоллашаётир. Шунингдек, ижтимоий ва сиёсий, илмий ва маданий йўналишларда ўзаро тажриба алмашинмоқда.

Икки мамлакат раҳбарлари томонидан 1992 йил 30 майда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 16 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, шунингдек, 2008 йил 6 февралдаги Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасидаги 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи асосий ҳужжатлар жумласидандир. 1991 йилдан то бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида жами 236 та халқаро шартнома имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки томонлама ҳамкорлик учун янги имкониятлар очиб беришга хизмат қилувчи ҳужжатдир ва у минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг зарур кафолатларини яратади.

Икки мамлакат алоқаларининг муҳим бўғинини иқтисодий йўналиш ташкил этади. Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасининг энг йирик ташқи савдо ҳамкори сифатидаги мавқеини сақлаб келмоқда. Зеро, бугунги кунда жами товар айланмасининг бешдан бир қисми Россия улушига тўғри келади. Бу МДҲ мамлакатлари билан савдо алоқаларидаги кўрсаткичнинг ярмидан кўпроғи демакдир.

2007 йилда ўзаро товар айланмаси ҳажми 4 миллиард АҚШ долларидан ошди. Шу ўринда жаҳон бозорларида нархларнинг сезиларли даражада пасайганига қарамай 2008 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич олдинги даражада сақланиб қолди.

Ўтган йилда экспортнинг асосий қисмини енгил автомобиллар, хизматлар, мева ва сабзавот маҳсулотлари, табиий газ, тўқимачилик ва кимё саноати маҳсулотлари, турли ускуналар, пахта толаси, рух, мис ва ундан тайёрланган буюмлар ташкил этди.

Импорт эса асосан машина ва асбоб-ускуналар, ёғоч ва ундан ишланган жиҳозлар, қора ва рангли металлар, кимё маҳсулотлари ва улардан тайёрланган буюмлар, хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ СОЛИҲ ИНОҒОМОВ УШБУ МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИ ПРАТИБХА ПАТИЛГА ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Ҳиндистон Республикаси Президенти Пратибха Патиль Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қизиқиш билдирди.

«Жаҳон» АА



БОЗОР ТАЛАБИГА, ХАРИДОР ДИДИГА МОС ДАРАЖАДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТА БИЛАДИГАН, ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНА ОЛАДИГАН МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИНГ РОЛИ КАТТА ҲИСОБЛАНАДИ.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Саноат

ТУРЛИ СОҲАЛАРДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Бу, албатта ҳар бир мутахассисдан талаблар даражасида изланишни, янгилик яратишга интилишни, ҳаёт билан қадам-баҳадам одимлашни тақозо этади. Пойтахтимиздаги «Технолог» акциядорлик жамияти қошида ташкил этилган «Технолог-технопласт» шўъба корхонасида ана шундай малакали ходимлар меҳнат қилишади. Уларнинг меҳнат самарасини эса ўтган қисқа вақт давомида яратилиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятли қўлланилаётган сифатли маҳсулотларда аксини топаётганидан билиш мумкин. Корхона цехларига ўрнатилган дастгоҳ ва ускуналар талабларга мос маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб беришда қўл келади. Металлни қирқувчи замонавий ускунанинг ўрнатилганлиги эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб айтиш лозимки, мутахассислар ҳар бир лойиҳани яратишар экан, замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда ISO 9001-2000 сифат тизимини қўллайди. Бу ҳар бир маҳсулотнинг халқаро талабларга жавоб беришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхонада ўтган йилларда ностандарт технологик жиҳозлар, металлдан бутловчи қисмлар, саноатда қўлланилиши кўзда тутилган пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди. Шунингдек, чет элдан келтирилиб ишлатилаётган дастгоҳлар учун эҳтиёт ва бутловчи қисмларнинг тайёрлаб берилаётгани, импорт ўрнини босувчи деталларни ишлаб чиқаришга қаратилган эътибор ўз самарасини бермоқда.

Цехларда ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнати эвазига тайёрланаётган пахта териш комбайнлари учун турли ҳажмдаги баклар, аккумуляторлар учун пластмассадан ишланган қопқоқ ва корпуслар, қишлоқ хўжалигида кўл келадиган 315 литрли идишлар, культиватор мосламалари, катта йўллар учун тўсиқлар ҳамда турли хил маиший анжомлар ҳозирда илғор технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилаётгани буюртмачиларни мамнун этмоқда. Жорий йилда тадбиркорлар кўплаб янги маҳсулот турларини халқ хўжалигининг турли тармоқларига етказиб бериш ниятида. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун етук мутахассислар саъй-ҳаракатни бошлаб юборишди.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: корхонанинг ҳар бир ходими сифатли маҳсулот тайёрлаш йўлида тинмай изланади.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Қисқа сатрларда

● **«ЭКОСАН»** халқаро ташкилотида «Оила ва маҳаллада экологик таълим-тарбиянинг долзарб масалалари» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида вазирликлар ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

● **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ёш шарҳловчилар клубининг семинари бўлиб ўтди.

● **РЕСПУБЛИКА** нейрохирургия илмий марказига замонавий тиббий технологиялар ва жиҳозлар келтирилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ИИББда ички ишлар хизмати ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда ички ишлар идораларида янги автоматлаштирилган замонавий «02» хизмати жорий этилганлиги таъкидлаб ўтилди.

● **АБУ** Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокидаги тадбир оммавий ватанпарварлик ойлиги доирасида уюштирилди.

● **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институти ахборот-таҳлил маркази ташаббуси билан ўтказилган тадбирда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳақида сўз борди.

● **ТОШКЕНТ** авиасозлик касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежларининг битирувчи курс ўқувчилари ўртасида «Касб маҳорати» танлови бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ёшларнинг бастакор Асадали Тоиров билан учрашуви ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

ТОШКЕНТДА БМТ РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИНИНГ «ИНСОН РИВОЖЛАНИШИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ ОРҚАЛИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ БИЛАН МАЗКУР ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ДОИМИЙ ВАКОЛАТХОНАСИ ЎРТАСИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ.

Тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимини ислоҳ қилиш, ёш авлодни етук ва баркамол этиб тарбиялаш, йигит-қизларга жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия бериш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Мазкур меморандумга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси таълим дастурига янги махсус фан киритиш ва тегишли ўқув қўлланмалари чоп этиш режалаштирилган. Бу эса академия тингловчиларининг билим ва кўникмаларини янада оширишга хизмат қилади.

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётир, – деди БМТ Ривожланиш дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Анита Нироди. – Бу эса инсон ривожланиши концепциясининг муҳим шартларидандир. Ўзбекистон қисқа давр ичида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида улкан муваффақиятларга эришгани диққатга сазовор. Ташкилотимиз Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлайверади.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 6 ЯНВАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ МАМЛАКАТИМИЗДА ЙИГИТЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ВА УЛАР ОРАСИДАН ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ, БАҚУВВАТ ЁШЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА САРАЛАБ ОЛИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ ХИЗМАТГА ОТЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси ва унинг бўлимлари томонидан ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Малакали шифокорлардан иборат тиббий комиссия иш бошлади. Чақирилувчиларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги, интеллектуал салоҳияти синовдан ўтказилмоқда.

— Дастлабки тиббий кўрик ва синовлардан ўтганимдан хурсандман, – дейди Мирзо Улуғбек тумани мудофаа ишлари бўлимидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган Дилмурод Маҳаммадиев. – Мақсадим танловдан муваффақиятли ўтиб, ўз йигитлик бурчимни аъло даражада бажариш ва келажакда шартнома асосида ҳарбий хизматни давом эттиришдир.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Россия Федерацияси сармояси иштирокида ташкил этилган 786 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг учдан бир қисми (252 таси) сўнгги ўтган икки йил мобайнида ишга туширилди. Низом жамғармаси шакллантирилганда эса ушбу мамлакатдан киритилган сармояларнинг умумий ҳажми 1 миллиард долларидан ошади. Юртимизда шунингдек, Россиянинг 127 та фирма ва компанияси ваколатхоналари очилган.

Ўз навбатида, Россия Федерацияси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокида 349 та корхона ташкил этилган.

Россия-Ўзбекистон муносабатларида сармоялар соҳасидаги ҳамкорлик бирламчи аҳамият касб этади. Ёқилғи-энергетика соҳасида кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, биргаликда геология қидирув ишларини олиб бориш, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган углеводород хомашёси конларини ўзлаштириш ва қазиб олинган нефть ва газни транспортировка қилиш шулар жумласидандир. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган тўғридан-тўғри хориж сармояларининг 40 фоиздан ортиғи Россия Федерацияси улушига тўғри келади. Мамлакатимизда айни пайтда «Зарубежнефтегаз» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти («Газпром» очиқ турдаги акциядорлик жамияти шўъба корхонаси), «ЛУКОЙЛ» очиқ турдаги акциядорлик жамияти, «Союзнефтегаз» давлатлараро нефт компанияси ва бошқа шу каби Россия корхоналари муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари, авиасозлик ва темир йўл машинасозлиги соҳалари ҳам савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадал суръатларда ривожланаётганига яққол мисол бўла олади. Шунингдек, коинотни тадқиқ этиш борасида ҳамкорликнинг янги уфқлари очилмоқда. Қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳам алоқалар изчиллик билан мустаҳкамланаётир.

Ишбилармонлик борасидаги икки томонлама муносабатлар ривожида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти муҳим аҳамият касб этаяпти. У бугунги кунда иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш ва қабул қилинган қарорларни амалга оширишдаги чинакам мувофиқлаштирувчи тузилмага айланди. Ҳукуматларимиз ўртасида имзоланган ва 2008-2012 йиллар учун мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури Россия ва Ўзбекистон иқтисодиёти етакчи тармоқларидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш борасидаги алоқаларида сезиларли ютуқларни қўлга киритишдаги асосий ҳужжатдир.

Россия ва Ўзбекистон томонлари муҳим халқаро масалалар юзасидан ўхшаш ёки яқин нуқтаи назарга эга бўлиб, айни вақтда ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам янги босқичга кўтарилди. Фестиваллар, кўргазмалар, ижодий жамоалар ҳамда Россия ва Ўзбекистондаги таниқли театр гуруҳларининг ўзаро ташрифлари, икки мамлакат маданият арбоблари ўртасидаги учрашувлар анъанавий тус олган.

Сўнгги йилларда шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва техника соҳаларидаги муносабатлар муваффақиятли ривожланмоқда. Жумладан, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдаги яқин ҳамкорлик давом этмоқда. Юртимизда бир неча йилдан буён Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиаллари фаолият юритиб келаётир.

2007 йил 13 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкентда И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Ҳар йили ўнлаб ўзбекистонлик ёшлар Россия олий ўқув юртларида таҳсил олишга юборилаяпти.

Ўзбекистондаги рус ва Россиядаги ўзбек жамоалари вакиллари ҳам ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Бугунги кунда мамлакатимизда 1 миллионга яқин рус миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Республикада ушбу халқ маданияти маркази фаолият юритмоқда. У вилоят ва шаҳарлардаги рус маданий-маърифий жамоатчилик бирлашмаларини ўз таркибида бирлаштирган.

Мамлакатда рус тилида таълим берувчи 785 та мактаб ишлаб турибди. Шулардан, 128 таси тўлиқ ушбу тилда ўқитишга ихтисослашган. Юртимизнинг барча олий ўқув юртларида рус гуруҳлари мавжуд. Ўзбекистонда ҳар йили бу тилда 1,4 миллион нусхада 50 турдаги ўқув қўлланмалари ва адабиётлари, 82 та газета ва 20 та журнал чоп этилади. Тошкентда Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик маркази («Росхоржмарказ») ваколатхонаси фаолият юритиб келмоқда.

Буларнинг барчаси давлатларимиз ўртасидаги кенг қамровли шартномавий-ҳуқуқий асосга эга икки томонлама муносабатлар изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва иттифоқчилик муносабатларини кенгайтиришга, ўзбек ва рус халқларининг дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Жаҳон» АА

ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ ХИЗМАТГА ОТЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ходимларимиз тегишли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда бўлажак аскарларнинг оилавий шароити, ҳарбий хизматга мослашув имкониятларини атрофлича ўрганмоқда, – дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи Набижон Гаффоров. – Биринчи февралдан шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакилларидан иборат чақирув комиссияси тузилади. Синовлардан муваффақиятли ўтган, соғлиғи ва оилавий шароити талабга жавоб берадиган чақирилувчилар ҳарбий хизматга тантанали равишда кузатилади. Қолган чақирилувчилар сафарбарлик чақируви резерви хизматига олинади.

Айни кунларда чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирокида ўтказилаётган учрашувларда уларга "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ҳарбийларга берилаётган имтиёзлар, аскарлар ҳуқуқлари, ҳарбий қисм ва билим юртларида яратилган шарт-шароит ҳақида атрофлича маълумотлар берилмоқда.

Тадбирлар жараёнида Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу ҳужжат чақирув сифати ва самарадорлигини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар, ижтимоий-сиёсий ҳамда сафарбарлик жиҳатидан тайёргарлигини янада такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Фармонга мувофиқ инфратузилмаси яхшиланаётган мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари чақирув (йиғин) пунктлари барча зарур замонавий тиббий асбоб-ускуналар, алоқа ва автотранспорт воситалари билан таъминланмоқда. Коммуналмаиший ва бошқа хизматлар кўрсатиш сифати ошмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ, пойтахтимизнинг Сергели ва Ҳамза туманлари мудофаа ишлари бўлимлари чақирув пунктлари реконструкция қилиниб, ситиш тизими янгиланди. Бектемир туман мудофаа ишлари бўлимида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етмоқда.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

«ДЎСТЛИК» – ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИДА МАҲАЛЛАЛАРНИНГ АҲОЛИ ТУРЛИ ҚАТЛАМ ВА ГУРУҲЛАРИНИНГ ТУБ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОРНИ ҚАРАТДИ.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, республика «Маҳалла» жамғармаси бошқарувининг навбатдаги пленумида ана шу ҳақда гап борди.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш борасида маҳаллаларнинг ўз ўрни бор. Жумладан, 2008 йилда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида икки мингдан зиёд ёш оилага уй-рўзғор ва маиший жиҳозлар харид қилиш учун моддий ёрдам кўрсатилди. Тўрт мингдан кўпроқ кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳ тўйи ўтказилди, кўплаб оилаларга бепул чорва моллари берилди.

Маҳаллаларда мунтазам равишда ташкил этилаётган турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга, оммавий спортни ривожлантиришга, оилаларда соғлом муҳитни шакллантиришга ҳамда ёшларда юксак маънавиятни тарбиялашга хизмат қилаётир. «Аҳолни ижтимоий ҳимоя қилишда энг намунали маҳалла», «Энг фаол яраштириш комиссияси», «Энг намунали маслаҳатчи» каби танловлар, «Соғлом оила», «Спортчилар оиласи» сингари мусобақалар шулар жумласидандир. Айниқса, маҳалла болалари ва ўсмирлари ўртасида анъанавий тарзда ўтказилаётган юксак эътибордан далолат эканига амин бўлдим», — дейди К.Льюис. У шунингдек, «Punch Academy» филиалнинг ташкил этилиши ўзбекистонлик ёш спортчиларни кўҳна жанговар санъат турларидан бири бўлмиш Муай-тай билан яқиндан таништириш режалари билан боғлиқ эканини қайд этди.

«Бугунги кунда дунё кўплаб таҳдидлар билан юзма-юз келмоқда. Бундай муаммолар ўз навбатида, аввало ёш авлодни ўз домига тортишга ҳаракат қилади. Борди-ю ёшлар ўз саъй-ҳаракатларини комиллик ва ҳамоҳангликка эришиш сари йўналтирса, ҳеч бир салбий таъсирга ўрин қолмайди. Умид қиламанки, Муай-тай мардлик, олижаноблик ва ҳурмат ҳиссини шакллантирувчи бир санъат сифатида истеъдодли ўзбек ёшларининг ўз куч ва маҳоратларини намоён этишларига хизмат қилади», — деди Кларенс Льюис ўз сўзи якунида.

«Жаҳон» АА,
Сингапур

ЎЗБЕКИСТОНДА СИНГАПУР МУАЙ-ТАЙ МАКТАБИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛИШИ КУТИЛМОҚДА

ЮРТИМИЗНИНГ СИНГАПУРДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА УШБУ МАМЛАКАТДАГИ «PUNCH ACADEMY» МУАЙ-ТАЙ МАКТАБИ ТАЪСИСЧИСИ — «OMNICRON HOLDINGS PTE. LTD» КОМПАНИЯСИ РАҲБАРИЯТИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур суҳбатга «Punch Academy» вакилларининг Ўзбекистон томони билан ҳамкорликни давом эттириш борасидаги истак ва таклифлари сабаб бўлди. Таъкидлаш лозимки, бу йўналишдаги ўзаро алоқалар 2008 йил июнда сингапурлик спортчилар делегациясининг мамлакатимизга ташрифи чоғида йўлга қўйилганди. Орадан олти ой ўтгач улар Ўзбекистонда яна бир бор меҳмон бўлишди. Сингапур спорт мутахассисларининг фикрича, амалга оширилган иккинчи ташриф ўзаро ҳамкорлик режаларининг аниқ йўналишларини шакллантириб берди. Хусусан, «Punch Academy» соҳибларидан бири - Кларенс Льюис ва Муай-тай мураббийлари 2009 йилда Тошкент шаҳрида, келгусида эса юртимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам мазкур мактаб филиалини очиш режасини маълум қилишди.

«Ўзбекистонга ташрифим ва бу ердаги спорт соҳаси вакиллари билан суҳбатим чоғида республикада 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилингани асосий қисмини ёш авлод вакиллари ташкил этувчи жамиятда маънавий ва жисмоний соғломликни таъминлаш масаласига давлат томонидан қаратилаётган юксак эътибордан далолат эканига амин бўлдим», — дейди К.Льюис. У шунингдек, «Punch Academy» филиалнинг ташкил этилиши ўзбекистонлик ёш спортчиларни кўҳна жанговар санъат турларидан бири бўлмиш Муай-тай билан яқиндан таниш-

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

МАМЛАКАТИМИЗДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТУФАЙЛИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШ ВА ЕТАРЛИЧА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР ҲАМ ЮЗАГА КЕЛДИ. АЙНИҚСА, ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК ВА ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛИЯТИГА ЙЎЛ ОЧИЛИШИ МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҲАМ ЎЗГАРИШЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ. БУНДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДА МЕҲНАТ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ МУҲИМ ОМИЛ САНАЛАДИ.

Меҳнат шартномаси ҳақида ҳар бир фуқаро маълум тушунчага эга бўлиши керак. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига кўра, фуқароларга берилган меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш, ёлланма меҳнат қилиш ҳуқуқининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли — фуқаро билан иш берувчи ўртасида тузиладиган ҳужжат меҳнат шартномаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 72-моддасида келтирилган расмий таърифга кўра: «Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян тартибга бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир». Шунингдек, Меҳнат Кодексининг 82-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ишга қабул қилиш барча ҳолларда иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси буйруқ чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади ва ходим ҳамда ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан тасдиқланиб, имзосининг ҳақиқийлиги ва қонунийлигини тасдиқлайдиган корхона муҳри билан тасдиқланади.

Меҳнат шартномаси тузилиши воситасида ходим ва иш берувчининг ўзаро муносабатлари индивидуаллаштирилади ҳамда ҳуқуқий тартибга солинади. Фақат меҳнат шартномаси тузилиши йўли билангина фуқаро ходим мақомини олади. Меҳнат жамоасига қўшилади, корхона меъёрий ҳужжатлари, ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат қонунлари тўла ҳажмда унга татбиқ этила бошлайди.

Меҳнат шартномаси ҳам ҳар қандай бошқа шартномалар сингари муайян томонлар ўртасида тузиладиган келишувдан иборат. Унинг томонлари бўлиб ходим ва иш берувчи қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1997 йил 6 сентябрдаги 6/1-сонли «Акциядорлик жамиятларида меҳнат муносабатларини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисидаги тавсиялари»да айтилишича, ходим деганда меҳнат фаолияти меҳнат шартномаси асосида амалга ошириладиган, муайян ёшга етган жисмоний шахс тушунилмоғи лозим. Шунингдек, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади. Шартноманинг ўзи каби, буйруқнинг мазмуни ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига аниқ мос тушиши керак. Бинобарин, ходим билан иш берувчининг ҳуқуқ ва вазифаларини белгиловчи асосий ҳужжат меҳнат шартномаси ҳисобланади. Ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ тарафлар шартлашиб олган нарсаларнигина қайд қилади. Бироқ бу буйруқнинг аҳамиятини асло камситмайди. Унинг асосий вазифаси корхонанинг мансабдор шахслари томонидан шартнома шартлари — яъни ходимга айнан шартномада назарда тутилган ишининг берилиши, тарафлар шартлашиб олган миқдорда иш ҳаки тўланиши ва бошқалар бажарилишини таъминлашдир. Дарвоқе, ходимнинг ишга қабул қилинганлигининг ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилиши ҳам ходим, ҳам иш берувчи манфаатларига мосдир. Чунончи, меҳнат шартномасини расмийлаштирмасдан туриб ишлашга рухсат этилиши кейинчалик ходим томонидан шартноманинг оғзаки шаклда эришилган шартларининг инкор этилишига ёки унга ҳатто ўз вақтида, бироқ ишга рухсат этилиши олдидан оғзаки шаклда келишиб олинган шартларни, ишга қабул қилиш чоғидаги синов муддати меҳнат шартномаси тузилиши ва бошқалар тўғрисида, ҳам киритиш мумкин бўлмаслигига олиб келиши мумкин. Агарда ходим белгиланган тартибда бажараётган ишга нолойиқ деб топилса, у ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилинажаклиги тўғрисида уни иш берувчи камида икки ҳафта олдин огоҳлантириб қўйиши керак. Огоҳлантириш муддати даврида ходимга унинг ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда бошқа иш қидириб топиши учун бир кун бўш вақт берилиши керак. Меҳнат Кодексининг 109-моддасига биноан Меҳнат Кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди бўйича бажараётган ишига нолойиқлиги сабабли меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида ходимга камида бир ойлик маош миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши лозим.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ишга бўлган эҳтиёжи мавжуд экан, уларнинг ҳар томонлама манфаатларини ҳимоя қилиш асосий масала ҳисобланади. Бунда меҳнат қонунчилиги меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳужжат вазифасини ўтаб бораверади.

Гўзал ЙЎЛДОШЕВА,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими

Иқтисодиёт

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР БИЛАН ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРГА ИЧКИ БОЗОРДА ТАЛАБ КАТТА. БУНИНГ АСОСИЙ БОИСИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ТОВАРЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ДАРАЖАСИДА БЎЛИШИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРДИР.

Ана шундай ишлаб чиқарувчилардан бири «TOSHAFUS» қўшма корхонасининг фаолиятига ҳали кўп бўлмасада, жамоа тадбиркорларининг изланишлари яхши самара бермоқда. Бу ерда мамлакатимизда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган «MATIZ» ва «NEXIA» енгил автомобиллари учун эҳтиёт қисм — иссиқлик насослари тайёрланмоқда. Бу, албатта маҳаллий автомобилсозларимиз учун қулай бўлиб, четдан, яъни Жанубий Кореядан сотиб олинадиган шундай насослардан бирмунча арзонлиги билан ажралиб туради. Сифати эса автомобилсозлар талабига тўла жавоб беради.

Тадбиркор жамоа аҳли бозор талаблари асосида иш юритар экан, цехларга ўрнатилган илғор технологик линиялар қувватидан унумли фойдаланган ҳолда яна бир қанча янги турдаги эҳтиёт қисмлари тайёрлаш устида изланмоқда. Улар жорий йил режаси сирасига «LASETTI» русумли автомобиллар учун ҳам насослар тайёрлаб бериш киради. Бунинг учун эса янги участка ишга туширилади. Ушбу цехда малакали мутахассислар маҳорати билан йилига 240 мингта насос тайёрлаш имконияти мавжуд бўлади. Шунингдек, хориждан яна керакли технологик жиҳозлар келтирилиб, уларни ишга туширган ҳолда автомобилларнинг яна бир нечта эҳтиёт қисмлари тайёрланади. Лойиҳа қувватининг ортиши, янги цехларнинг ишга туширилиши, албатта қўшимча ишчи ўринлари яратилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ХАРИДОРГИР ТУРЛАРИ КЎПАЯДИ

МАҲСУЛОТНИНГ БОЗОРБОП ВА ХАРИДОРГИР ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, БУЮРТМАЛАРНИ СИФАТЛИ АДО ЭТИШ, ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР ДАРАЖАСИДАГИ ТОВАРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ.

Ана шунга амал қилган корхоналарда маҳсулот тайёрлаш ҳажми ҳам, турлари ҳам ортиб бормоқдаки, улар бозорда ўз ўрнини топмоқда, буюртмалари кўпайиб бормоқда.

«Тошкент подшипниклар заводи» масъулияти чекланган жамиятида ҳам изланишлар самара бериб, кейинги йилларда бир қанча импорт ўрнини босувчи маҳсулот турлари ишлаб чиқарилди. Бундай маҳсулотлар, яъни корхонада тайёрланаётган подшипниклар ва бошқа бутловчи эҳтиёт қисмлари халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида кенг қўлланилмоқда ҳамда самараси яққол сезилмоқда. Боиси, четдан келтириладиган худди шундай эҳтиёт қисмлардан асло қолишмайдиган корхона товарлари арзон ҳамда сифатлидир. Айниқса, улар кўплаб қишлоқ хўжалиги ишларида кенг фойдаланиладиган техника воситаларини таъмирлашда, яхши ишлашини таъминлашда қўл келмоқда. Масалан, «Алтай» трактори, «Кейс» комбайни шулар жумласидандир.

Жорий йилда эса тадбиркорлар маҳсулот турларини янада кўпайтиришмоқчи. Шу жумладан импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлари сони ҳам ортиши кўзда тутилганки, бу буюртмалар кўпайишида, ишлаб чиқариш ҳажми ортишида катта ҳисса бўлиши, шубҳасиз.

Бугунги кунда маҳаллийлаштириш дастурига ўз ҳиссаларини қўшишга интилаётган жамоа аҳли импорт ўрнини босувчи бутловчи қисмлари тайёрлашда маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланмоқда. Бу борада малакали ишчи-хизматчиларга замонавий турдаги дастгоҳ ва ускуналар қўл келмоқда. Корхона мутасаддиларининг режаларига кўра, бу йил маҳсулот турларини янада кўпайтириш, сифатини ошириш мақсадида янги цехлар ташкил этилади. Шунингдек, янги технологик линиялар билан жиҳозланган цехларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун ҳам бутловчи қисмлар тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

МАДИНАНИНГ МАҲОРАТИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР ОРАСИДА ЎЗ МАҲОРАТИ ВА ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН БЕТАКРОР БУЮМЛАР ЯРАТИБ, ИҚТИДОРИНИ ЁРҚИН НАМОЁН ЭТАЁТГАН МАДИНА ҚОСИМБЕКОВАНИНГ МУНОСИБ ЎРНИ БОР.

Мадина 9 йилдан буён халқ амалий ҳунармандчилигининг каштачилик йўналишида фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда у тиккан либосларни кўздан кечирар экансиз, бир олам завқ оласиз. Уларнинг турлари эса моҳир каштачининг изланишлари асосида кундан кунга ортиб бормоқда. Айниқса, унинг адрас, шойи ва бошқа маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда тайёрланган турфа устки либослари, оёқ кийимлари, рўзғор ашёлари, дўппи ҳамда бошқа эсдалик совғаларида миллий қадриятларимиз эъзозини яққол кўриш мумкин.

— Момоларимиз ҳунарига кичкина қизалоқлигимдан меҳрим товланган, — дейди Мадина фахр билан. — Шу боис ҳам шу ҳунарни танладим, устозларимдан унинг сир-асрорларини тинмай ўрганиб бордим. Бугунги кунда эса ўзим мустақил ишлаш баробарида жуда кўплаб шогирдлар тайёрлаяпман. Янги-янги эскизлар асосида нақшлар, гулларни акс эттириб, унга ипларда жило берамиз. Ҳар бир тиккан маҳсулотимизда каштачиликка меҳр-муҳаббатимиз акс этишини истаймиз. Энг муҳими эса каштачилик буюмларимиз харидорларимизга манзур бўлмоқда, ҳаттоки хорижлик сайёҳлар ҳам уларни катта қизиқиш билан харид қилмоқда, кўплаб буюртмалар тушмоқда.

Мадина Қосимбекова «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг Собир Раҳимов туман босқичи ғолиби. Шунингдек, моҳир каштачи «Мустақиллик нафасида камол топган ҳунармандлар» кўргазмаси ҳамда «Дизайн ва мода ҳафталиги»нинг фаол иштирокчиси сифатида Диплом ва совғаларга сазовор бўлган. Унинг келгусидаги эзгу ниятлари ўз шахсий кўргазмасини ихлосмандларига тақдим этишдир.

Шарофат БАҲРОМОВА

Аёл барқ, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГҮЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

Хотин-қизлар қўмиталарида

КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Бугунги кунда ҳаётга зийрак кўз билан қарайдиган бўлсак, давлат ва жамият тараққиётида аёлларнинг роли тобора ошиб бораётганлигига гувоҳ бўламиз. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат миқёсида хотин-қизлар манфаати, уларнинг келажак орзу-умидлари йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди, махсус дастурлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлди ва хотин-қизлар фаолиятида катта жонланиш юзага келди, янгича иш услублари жорий қилинди, аёллар билан ишлаш янги босқичга кўтарилди. Мана бир неча йилдирки, мазкур Фармон ижроси йўлида туман хотин-қизлар қўмиталарида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан олиб борилаётган ишларни ҳам таҳсинга сазовор дейиш мумкин. Бу борадаги ишлар тўғрисида Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар СОДИҚОВА бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Мамлакатимизда аёлларнинг эркин меҳнат қилиши, яшаши ва турмуш тарзини шакллантириб бориши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар бугунги кунда ана шундай имкониятлардан фойдаланиб турли соҳаларда ўз билим ва истеъдодлари, маҳоратлари ҳамда ташаббускорликларини намоён этмоқдалар. Уларнинг манфаати йўлида хизмат қиладиган, бирлаштирадиган, қўллаб-қувватлайдиган ташкилот эса хотин-қизлар қўмиталаридир. Жамоатчилик асосида тузиладиган хотин-қизларнинг бу бошланғич ташкилоти аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишга қаратилган табиий интилишларини ифода этади. Туманимиз миқёсида 2008 йилда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, Ёшлар йили муносабати билан ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, шахсни ривожлантириш мақсадида тумандаги коллеж, академик лицей ва мактабларда вояга етмаган ёшлар ўртасида диний ақидапарастлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёвандликнинг олдини олиш бўйича «Маънавият — қалб чироғи» мавзуида туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, прокуратура, ИИБ, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида жадвал асосида мунтазам тадбирлар ўтказиб келинди. Шунингдек, туман маҳаллаларида Ёшлар йили ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Буюк алломаларимиз ва улар қолдирган маданий мерос, миллий-диний қадриятларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни», «Оилаларда келиб чиқаётган низоларни бартараф этиш ҳамда ажримларнинг олдини олиш чоралари», «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оила-мактаб-маҳалланинг тутган ўрни», «Ёш келин-куёвларга маслаҳатлар» мавзуларида ўтказилган ўқув семинарлари кўпчиликка манзур бўлди. Шу билан бирга «Аёлларни соғлом ҳомиладорликка тайёрлаш ва соғломлаштириш», «Никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги ҳақида», «Оилавий ажримлар сонини камайтириш, оилалар мавқеини мустаҳкамлаш», «Никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти» ҳақида, «Туғруқлар орасидаги мақбул ораликка риоя этишнинг зарурияти. Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» мавзуларида «Оила» маркази, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси иштирокида Ёшлар йили муносабати билан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган йиғилишлар савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар тарзида қизиқарли ўтди. Туман маҳаллаларида Президентимизнинг «Юксак маънавият— енгилмас куч» китобини ўрганиш,кенг тарғиб этиш юзасидан ўтказилган тадбирлар ҳам самарали кечганлигини айтиш жоиз.

Инсонпарварлик, меҳр-мурувват, саховатга йўғрилган тадбирлар ҳам туманда мунтазам ўтказилади. Жумладан, Шоҳамид ва «Хосиятли» тўйхоналарида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида тумандаги кам таъминланган 4 жуфт ёш оилаларнинг тўйлари ўтказилди. Бундан ташқари тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандлари ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 17 нафар боланинг суннат тўйлари ўтказилди.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича маҳаллаларда «Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш», «Аёлларда учрайдиган онкологик касалликлар ҳақида. Аёлларда кўкрак бези, рак олди ва рак касаллиги ҳақида нималарни билиш зарур?» мавзуларида семинар учрашувлар ташкил этилди. Айниқса хотин-қизлар, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш бўйича маҳаллаларда ўтказилган «Маҳалла — энг демократик идора», «Эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари», «Гиёвандлик ва ичкиликбозлик — оила заволи» мавзуларидаги семинар машғулотларда ўзларига керакли маълумотларда олдилар. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, туманда аҳоли, айниқса хотин-қизлар ва ёшларни спортга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Бу борада мактабларда қизлар ўртасида волейбол, «Саломатликнинг ёш дўстлари» мавзусида ўқувчи - қизлар ўртасида мусобақа, болалар ўртасида футбол ва кросс югуриши бўйича уюштирилаётган мусобақалар шулар жумласидандир.

«Ёшлар йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида С.Сирожиддинов номли академик лицейда « Репродуктив саломатликнинг ўзи нима?», «Репродуктив саломатликка салбий таъсир этувчи омиллар», Тошкент педагогика коллежида «Юқумли касалликлар ҳақида, уларнинг юқиш йўллари» мавзусида ўтказилган семинарларда ўқувчи-ёшлар фаол иштирок этишди. Янги 2009 йилда ҳам иш режаларимизни белгилаб олганмиз. Яқинда бўлиб ўтган Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан 162-мактабда «Намунали ҳарбий оила» мавзусида кўрик-танлов, шунингдек, бир неча ҳарбий қисмларда «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» мавзуларида маънавий-маърифий ва байрам тадбирлари ўтказилди.

Мақсадимиз, оилалар тинчлиги -тотувлигини таъминлаш, хотин-қизларни давлат-жамият ишларига жалб этиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, ёш ўсмир қизларни ҳаётга тайёрлаш, оилада тиббий саводхонликни ошириш, ёшларни миллий қадриятларимиз,урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдан иборат. Мана шу мақсадларга етиш йўлида бор имкониятларимиз ва тажрибаларимизни ишга солган ҳолда ҳамкорликда, баҳамжиҳатликда иш олиб борсак, албатта ўйлаган эзгу мақсадларимизга етамиз деб ўйлайман.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.

Ҳамшаҳарларимиз

МАЪРИФАТ ЁҒДУСИНИ ТАРАТИБ

ДУНЁДА ШУНДАЙ БИР УЛУҒ КАСБ БОРКИ, УНГА ҲАР ҚАНЧА ТАЪРИФ КАМЛИК ҚИЛАДИ. БУ ЎҚИТУВЧИЛИКДИР. НЕГАКИ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР ЎЗЛАРИНИНГ БИЛИМ ВА ТАЖРИБАЛАРИ, ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТЛАРИ, ИНСОНИЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ КЎЗ НУРИ, ҚАЛБ ҚЎРИ ВА БУТУН БОРЛИҒИ БИЛАН БИРЛАШТИРИБ ЁШЛАР КЕЛАЖАГИ, БАХТУ ИҚБОЛИ ВА МАЪРИФАТИ ЙЎЛИДА БЕМИННАТ ХИЗМАТ ҚИЛАДИЛАР.

Гуландом опа Ғофурова ҳам қарийб 35 йилдирки ана шундай шарафли номга муушарраф бўлиб, болажонларнинг севимли устозига айланиб маърифат ёғдусини таратишдек масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариб келмоқда. Она дастлаб Педагогика коллежини, сўнгра эса Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университети (Низомий номидаги Педагогика институти)ни муваффақиятли тугаллаганидан сўнг, илк иш фаолиятини шаҳримиздаги 200-мактабда биринчи синф ўқувчиларига сабоқ беришдан бошлади. 1981 йилдан бугунги кунга қадар эса пойтахтдаги 13-умумтаълим мактабида болажонларнинг энг севимли устозига айланиб фаолият олиб бормоқда..

— Болалар, бу кўҳна оламнинг энг беғубор, энг ростгўй ва ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланган бир бўлагимиздир, — дейди Гуландом Ғофурова. — Мен эндигина мактаб остонасига қадам ташлаб кириб келаётган ҳар бир ёшни ўзгача бир меҳр билан кутиб олгим келади. Чунки айнан шу жажжи болажонлар ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолган. Уларга ҳарф ўргатиб, энг биринчи сабоқни бераётганимдан жуда фахрланаман. Чунки фақат бошланғич синф ўқитувчиларигина, илк бора она, Ватан, нон каби муқаддас сўзларни уларга ҳарфма-ҳарф ёздириб ўргатади. Бу сўзлар замиридаги маъно ва мазмуннинг моҳиятини ҳам тўлалигича тушунтириш бизларнинг зиммамиздаги масъулиятли ва шарафли иш ҳисобланади. Ҳаётимнинг ҳар бир лаҳзаси шу болажонларнинг қувончу ташвишлари ичра уйғунлашиб кетаётганидан хурсандман. Ўқувчиларимнинг жуда кўпчилиги бугунги кунда нуфузли жойларда рахбар лавозимларида фаолият кўрсатмоқдалар. Мени байрамларда йўқлаб келишганларида кўксимда фахрланиш туйғуси мужассамлашади. Умрим беҳуда ўтиб кетмаётганидан шукроналик ҳиссини туяман. Сабоқ бераётган ҳар бир ўқувчим менга ўз болам каби азиз ва қадрлидир. Негаки уларнинг ҳар бирининг қўлидан тутиб, илк бора ҳарф ёзишни, шеър ёдлашни, партада қандай ўтириш кераклигини ўргатиб бораман. Бу ҳам мен учун олий бир бахтдир...

Дарҳақиқат, ёш авлодга сабоқ бериш ўзига яраша мушкул ва ўта масъулиятлидир. Илк бора мактаб остонасига қадам қўйган ўқувчи билан фақатгина бошланғич синф ўқитувчилари мулоқот олиб борадилар, ёзиш, ўқиш сирларини ўргатиб, уларни мактаб ҳаётига тайёрлайдилар.

— Гуландом опа Ғофурова мактабимизнинг фахри, меҳнаткаш, жонкуяр ўқитувчиларидан ҳисобланадилар, — дейди 13-мактаб директори Наргиза Зияева. — Улар ҳақида фақатгина яхши гапларни айтиш мумкин. Умрининг аксарият қисмини болалар маърифати йўлига бағишлаб келаётган устоз ҳақида яна нима ҳам дейиш мумкин.

Мактабимизда ўтказиладиган ҳар бир тадбир ва ташкилий ишларда ҳам улар етакчилик қиладилар. Ёш ўқитувчиларимизга тавсиялар бериб йўл-йўриқ кўрсатадилар. Мактабимизда кўплаб жонкуяр, ўз касбининг фидойиси бўлган ўқитувчилар бор, Гуландом опа ҳам ана шундай ҳаммага ҳар томонлама ўрнак бўла оладиган устозлар сирасига киради...

Дарҳақиқат, ўқитувчи зиммасидаги масъулият бошқа касб эгаларига қараганда жуда юқоридир. Гуландом Ғофурова ўз касбига бўлган муҳаббати боис, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан бир қанча Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланганлар. Ўз касбининг фидойисига айланиб иш олиб бораётган опа, оиласи даврасида ҳам меҳрибон она, бағрикенг ва талабчан буви сифатида фарзандлари ва невараларига жонкуярлик билан бош-қош бўлиб келмоқда. Оила тинчлиги, саранжом, сариштаслигида опанинг алоҳида ўрни бор. Бир сўз билан айтганда, устоз-ўқитувчининг ҳаёти барчамиз учун ибратли бир мактабдир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: Гуландом опа Ғофурова ўқувчилари даврасида

ҚИЗЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ, МАДАНИЙ ВА ТИББИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ, ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ, МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗГА ҲУРМАТ БИЛАН ҚАРАШГА ЎРГАТИШ БОРАСИДА ЖУДА КЎПЛАБ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА. ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЁТ КОЛЛЕЖИДА «ҚИЗЛАР — МИЛЛАТ ЭРТАСИ» МАВЗУИДА УЮШТИРИЛГАН ТАДБИР ҲАМ УШБУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ.

Тадбирлар

ҚИЗЛАР ОДОБИ БИЛАН ГЎЗАЛ

— Ушбу тадбирни ташкил қилишдан асосий мақсадимиз қизларимизнинг маънавий, маданий билимларини янада оширишдан иборатдир, — дейди мазкур коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Азиза Қосимова. — Зеро, қизларимиз камолоти, униб-ўсиши, тарбияси йўлида жуда кўплаб тадбирлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқдаки буларнинг барчасининг негизида қизларимизни ҳаётга тайёрлаш, уларнинг ҳар томонлама солиҳа, оқила, доно ва зукко ҳамда жамиятимизнинг фаол, изланувчан, интилувчан бунёдкор аъзолари қилиб камолга етказиш вазифалари мужассамланган. Ўзбек аёллари ва қизлари бошқа миллат вакилларидан шарқона одоби, ибоси ва ҳаёси билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам момоларимиз ақидаларида, халқона маталларда аёл солиҳалиги биринчи ўринда туради. Зеро, момоларимиз Тўмарис, Нодирабегим, Моҳларойим авлодининг давомчилари ҳисобланамиз-ку. Бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш эса ижобий натижаларни албатта беради. Чунончи, қизлар тарбияси, одоби, уларнинг ўй-хаёллари билан танишиш, фикрларини эшитиш, керакли маслаҳатларни бериб бориш ҳар бир ўқитувчининг вазифаси ҳисобланади. Негаки, хотин-қизларимиз жамиятнинг фаол аъзоларидир.

Тадбир доирасида коллежнинг фахрий аёл ўқитувчилари, ўқувчи қизлар ўзларининг ҳаётий ва долзарб фикр, мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Коллеж ўқувчи қизлари иштирокида уюштирилган қизлар одоби мавзусидаги саҳна кўринишлари, дилбар рақслар ва оҳангдор қўшиқлар барча иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда қизлар маънавиятининг юксалиши йўлида шаҳримиздаги мавжуд ўқув масканларида кўплаб мақсадли тадбирлар ўтказилмоқда. Уларнинг барчаси қизларимизни ўзбек удумларига, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром билан қарашга чорлайди. Бинобарин, бугунги ёш қизлар эртанги ҳаётимизнинг асл давомчилари ҳисобланади. Шундай экан, азал момо мерос урф-одатларни улар онгига сингдириб бориш, қадриятларимизни қадрлашга ўргатиш ҳар биримизнинг асосий вазифаларимиздан биридир.

(Ўз мухбиримиз)

Нафосат оламида

ТАТУАЖ ЗАРАРЛИМИ?

БУГУНГИ КУНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ ПАРДОЗНИНГ ЯНГИ УСУЛИ — ЯЪНИ ТАТУАЖДАН ФОЙДАЛАНМОҚДАЛАР. АСЛИДА ҒАРБ МАМЛАКАТЛАРИДА ЎЙЛАБ ТОПИЛГАН ТАТУАЖ БИЗНИНГ ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ ОРАСИДА ҲАМ УРФ БЎЛИБ БОРМОҚДА. БИЗ МУТАХАССИСЛАРНИНГ ФИКРЛАРИНИ ЭШИТГАН ҲОЛДА УШБУ УСУЛ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛДИК.

Татуаж — терига сурат чизиш, ранг бериш демакдир. Ранг игна орқали терига уч миллиметр киргизилади. Асосан, лаб, қош, кўзлар татуаж қилинади. Ушбу чизилган косметик усулдан фойдалангандан сўнг, унда шакллантирилган шакл ва ранглардан халос бўлиш қийинроқ кечади. Бир марталик татуаж 3 йилдан 7 йилгача сақланиши мумкин. Бу усул ҳомиладор аёлларга, қандли диабет билан оғриганларга, эмизакли ва юрак хасталиги бор аёлларга тавсия этилмайди. Гормонал дорилар ичадиган хотин-қизларга ҳам қатъиян ман қилинади.

Бугунги кунда асосан келинчаклар ўзларига қулай бўлсин учун ушбу воситадан фойдаланмоқдалар.

Татуаж қилиш стилист-визажистдан катта масъулият талаб қилади. Бунда тозаликка риоя қилиш, ҳар бир мижоз учун алоҳида асбоблардан фойдаланиш, эҳтиёткорлик лозимдир. Татуаж қилинадиган жойга аввал қаламда шакл берилиб, сўнгра игна билан тешилади. Оғриқни босиш учун коктейл тайёрланиб томизилади ва 40 дақиқа давомида игна юргизилади. Татуаж қилингандан сўнг маълум бир тозалик режимига риоя қилиш ҳам талаб этилади ва 3-4 кун мобайнида маз суртиш тавсия этилади.

Стилистларнинг таъкидлашича, ушбу гўзаллик усулининг инсон ҳаёти учун ҳеч қандай зарари йўқ. Бироқ терисига таъсирчан аёллар татуаж қилдирмагани маъқул. Сабаби игна ва ранг терига акс таъсир кўрсатиши мумкин.

Татуаж аёл гўзаллигини бир умр кафолатлайди, дейишдан йироқмиз. Бироқ айнан шу усул баъзан аёлларнинг янада гўзалроқ кўринишига ёрдам беради.

Аммо хотин-қизларимиз меъёрни унутишмаса бўлгани.

Гулнигор САТТОРОВА тайёрлади

Хатларда ҳаёт акси

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН, АЗИЗ ШИФОКОРЛАР

Икки аср ўртасида яшаб 64 баҳорни қаршилаган, ҳаётнинг сирларига шукроналар қилиб бутун умрини ёш авлодни тарбиялаш, уларга билим беришга бағишлаб, яъни зиё улашишдек савобли касбда фидокорона меҳнат қилиб келаётган Тошкент Кимё технология институти "Саноат экологияси" кафедраси доценти, техника фанлари номзоди, бир нечта дарслик, ўқув қўлланмалари, услубий қўлланмалар, 100 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи, 20 дан ортиқ магистр ва бакалавр талабаларга илмий раҳбарлик қилиб келган Хурсаной Раҳимованинг юрак қалбидаги сирларини, инсонларга бўлган ишончини, муҳаббатини, шифокорларга бўлган миннатдорчилигини, ўз фарзандларига бўлган оналик розилигини изҳор этиш илтимосини ҳисобга олиб, ушбу миннатдорчилик мактубини сиз азиз, муштарийларга тақдим этишга жазм этдик.

Хурсаной Раҳимова 1972 йилдан шу кунгача аввал Тошкент Политехника институти (ҳозирги Тошкент Давлат техника университети), 1991 йилдан бошлаб эса Тошкент Кимё технология институтида меҳнат қилиб келмоқда.

Хурсаной опа ҳозирги пайтда қўшалоқ ўғилнинг онаси, бир нечта набираларнинг бувижониси. Шунга қарамасдан бир умр меҳнат қилиб келган инсон ўзини иш жойисиз, аудиториясиз ҳис қила олмайди. Бахтли оиланинг бекаси бўлган Хурсаной опа 32 ёшида меҳрибон, садоқатли умр йўлдошидан айрилди. Ўша пайтда ҳар иккала фарзанди норасида эди. Хурсаной опа бу фожеани фақатгина Оллоҳнинг иродаси деб тушунди. Қанчалик қийин бўлмасин меҳнат билан овунди. Кеча-кундуз бир қўлига қалам олиб, иккинчи қўли болалар тарбиясига банд бўлди. Шу тариқа 1986 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади.

Иккала ўғил ҳам онасини ота ва она ўрнида кўриб унинг измидан чиқмадилар, шунинг учун ҳам улар кам бўлмадилар. Келинлари ҳам қиз ўрнида – олий маълумотли етук мутахассислар. Набиралар ҳам аъло баҳоларга ўқимоқда.

Ҳаёт тақозоси билан касал бўлиб ётишга ҳам вақти бўлмаган Хурсаной опа 2008 йил август ойида ўзини бетоб сеза бошлади. Кўп текширувлардан кейин унинг ошқозонида катта ҳажмда яра борлиги академик Вохидов номли Марказий кўкрак қафаси жарроҳлиги клиникаси ходимлари томонидан аниқланди.

— Инсон соғлигини йўқотган пайтдагина унинг қадрига етар экан, — дейди Хурсаной опа. — Операциядан олдин касалхона ҳовлисида айланиб юриб, салобат солиб турган Ибн Сино ҳайкалига қараб туриб шундай аждодларимиз бўлганига ҳамду санолар айтиб, Оллоҳга шукроналар қилиб ўзи берган дардига ўзи шифо беришини сўрар эдим.

Хурсаной опани ушбу шифохонанинг "Қизил ўнгач ва ошқозон" бўлимига қабул қилиб олишди. Ўша кундан бошлаб профессорлардан тортиб оддий фаррошларгача — ҳамма ходимлар ҳар бир ётган беморлар билан ширин муомала қилиши, уларнинг дардига дармон бўлиб турганига гувоҳ бўлди.

— Педагог бўлганим сабабли кўп нарсага эътибор берар эдим, — дейди Хурсаной опа. — Даволаниш давримда, айниқса операциядан кейин организмда ҳар хил ўзгариш бўлиб турар экан, шундай пайтларда оддийгина ҳамшираларнинг қилган илтифотига, уларнинг ҳаётдан олган билимларига тасаннолар айтгинг келади. Энг асосийси шифохона маъмурияти ходимларига, тиббиёт фанлари номзоди Зайниддин Низомхўжаев, палата врачи Анваржон Хусанов ва ушбу касалхонада 35 йилдан кўп хизмат қилиб келган катта ҳамшира Лолахон Воҳидовага «Инсонларга соғлиқ ато этаётган қўлларингиз асло дард кўрмасин, кўзинглардаги нур ҳеч қачон сўнмасин, то дунё тургунча туринглар» деб тилаб қоламан...

Ўзининг миннатдорчилик тарзида ёзилган мактубини қуйидаги мисралар билан якунлайди опа :

Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам.
Дўст қадам босмас экан,
Вайронадир кошона ҳам.

Ҳа дўстларнинг борига шукр. Менга яқин бўлган ҳамма қариндош-уруғларимга, ТошКТИ "Саноат экологияси" кафедрасидаги касбдошларимга, 4 соат операция пайтида менга соғлиқ тилаб турган азизларимга, меҳрибон фарзандларим Валижон, Бобиржон, Тахмина, Гулрух, шакардан ширин набираларим Ситорабону, Фирдавсжонларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилаб ўз оналик, қариндошчилик ва касбдошлик миннатдорчилигимни билдираман. Ушбу мақолани ўқиган ҳар бир инсонга дунёдаги олтинларга топилмас соғлиқни тилайман, дея хайрли ният билдиради Хурсаной опа.

Валижон РАҲИМОВ

ҚУЛАЙЛИК БАРЧАГА МАНЗУР

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА АҲОЛИГА ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ, НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ КЎМАК БЕРИШ ЙЎЛИДА БИР ҚАТОР ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Қулай ва шинам, замонавий автобус, енгил машиналар, кенг, равон йўллар, турли маиший хизмат кўрсатувчи дўконлар, минимаркет ва устахоналар шулар жумласидандир. Айниқса, кўп қаватли хонадонлар ёнида янги полиз маҳсулотлари билан савдо қилувчи дала дўконларининг иш бошлаши барчага қулайлик туғдириб ҳамшаҳарларимизнинг эътирофларига сазовор бўлмоқда.

Хусусан, бизнинг Чорсу даҳасидаги 1-шаҳар клиник касалхонаси ёнида ўтган йили қурилиб, бугун аҳолига намунали хизмат кўрсатаётган «дала-дўкон» ҳақида айтиб ўтмоқчи эдик. Маълумки, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг полиз маҳсулотларига эҳтиёжи катта бўлади. Чунки, шароит тақозоси билан улар ҳовлиларда истиқомат қилувчи фуқаролар каби томорқаларига экин экиш имкониятига эга эмаслар.

Шунинг учун ҳам шундоқ ёнларидаги (бозорга бориб-келишга ҳамма вақт ҳам улгура олмаймиз) дала-дўконлардан истаган вақтларида полиз маҳсулотлари, хўл меваларни эҳтиёжларига қараб олишлари мумкин. Яратилган қулайликдан биз жуда хурсандмиз, касалхонага беморларни кўргани келаётганлар ҳам ушбу қулайликдан фойдаланишади. Истардикки, ҳар бир маҳаллаларда ҳам шундай дала-дўконлар қурилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Халқимиз серқуёш диёримизда пишиб етилган мева-сабзавотларнинг сифатли, арзон нархларда сотилаётганидан миннатдор. Барча ҳамшаҳарларимиз номидан деҳқонларимизнинг ҳосилларига барака, тадбиркорларимизга эса хайрли ишларида омад тилаймиз.

Шаҳризода ЮСУПОВА

Ўз-ўз ўйланиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР МУНИС

Ҳар ишда тезлик қилмоқ на
ҳожат, эй кўнгул, кўрким,
Қуёш ердин қилур азми само
оҳиста-оҳиста.

* * *

Улусға эйки, ғолиблик тиларсен,
Бурунроқ айла ўз нафсингни мағлуб.

* * *

Шакар янглиғ жаҳон аҳлиға
ширинкомлик еткур,
Ҳужум этсун десанг устингда
андоқким магас аҳбоб.

* * *

Давлатингдур гар насиб ўз
сарвату жоҳинг қилур,
Недур очмоғлиқ тамаъ
илгин киши молин кўруб.

* * *

Ҳаёу адаб, иффату ростлиғ,
Агар бўлса доим ишингдур тараб.

* * *

Ғурур этма аслингға, қил касби фазл,
Эрур мўътабарроқ насабдин ҳасаб.

* * *

Гар тиларсан жоҳу иқболингни,
эй шаҳ, мустадом,
Беваларни шод тут, айтом
бошин сийпалаб.

* * *

Ҳар қаён нафсинг тилар
ул ён югурмакдур ишинг,
Гўё минмиш сени ул дев
бошинг нўхталаб.

* * *

Мунис, асбоби жаҳон
жамъиятиға қилма майл –
Ким, олур ворисларинг
бир кун йўқ боринг талаб.

* * *

Оҳким, бу чархи
кажрафтордин даврон аро
Дўстлар ноком, душман
хайридурлар комёб.

* * *

Рутбаи олий тиларсен –
соф қил кўнглингниким,
Иртифоъ айларга мундиндур
сазовор офтоб.

* * *

Мунис, келу қонеъ бўл фақр
ичра маошингга
Зар қилма тамаъ элдин гул
юзингни сорғортиб.

* * *

Ажал бир кун уруб йўл
йўқу борингни олур қўлдин,
Неча берк этгасен дунё
юкин орқангга тирмишлаб.

* * *

Ишқ рамзи эмас осонки, билай деса киши,
Гар Афлотун эса ҳам ҳайрат
этар ақли чошиб.

* * *

Йўқ қаноат гўшасида қон,
вале айлаб тамаъ,
Нокас оллида юзунгдин
тўкмагил зинҳор сув.

* * *

Хуштурур хони қаноат аро явғон умоч,

* * *

Эмас мард турғонни йиқса киши,
Агар келса қўлдин йиқилғонни турғуз.

* * *

Аҳли дониш бирла ҳар дам
айлангиз базми китоб,
Жамъи нодонлар била
изҳори улфат қилмангиз.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Спорт янгиликлари

БОЛАЛАР СПОРТИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ШАҲРИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА КАТТА ҲАЖМДАГИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан Ҳамза туманидаги 30- Меҳрибонлик уйи, Собир Раҳимов туманидаги 1-, 2- мурувват уйлари, Юнусобод туманидаги 21-, 31- Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган қизиқарли мусобақалар ҳам айнан ёш авлоднинг соғлом вояга етиши, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилди.

— Болажонлар ўртасида ўтказилган барча спорт мусобақалари уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлишлари, шу билан бирга бўш вақтларини унумли ўтказишларига хизмат қилади,— дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали мутахассиси Нилуфар Абдувоитова. —Спортнинг баскетбол, футбол, шаҳмат- шашка, арқонда тортилиш ва югуриш каби бир қатор турлари бўйича ўтказилган ушбу мусобақаларда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари жуда фаол қатнашиб ўзларининг қанчалик чаққон ва эпчил эканликларини кўрсатдилар. Демак улар спортнинг барча турларига бирдек қизиқадилар, соғлом турмуш тарзини афзал биладилар. Бизнинг мақсадимиз ҳам аслида шу: ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом, маънан баркамол, келажагимизнинг муносиб издошлари этиб тарбиялаш ва вояга етказишдир.

Қизғин ва муросасиз ўтган мусобақаларда иштирокчилар жамғарманинг спорт анжомларидан иборат совғалар ҳамда спорт кийимлари билан тақдирландилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: Меҳрибонлик уйларида бўлиб ўтган спорт мусобақаларидан лавҳа

ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР САРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ АТЛЕТИКА ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎТГАН 2008 ЙИЛНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАДИ. БУ ҲАҚДА ФЕДЕРАЦИЯНИНГ САРҲИСОБИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРДА МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ.

«Ёшлар йили» барча спорт турлари қатори енгил атлетикачилар учун ҳам омадли бўлди. Терма жамоа аъзолари турли даражадаги республика ҳамда халқаро мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритди. 2009 йилда федерация ўз олдига кўплаб мусобақалар, оммавий спорт тадбирлари, қатор хотира турнирларини ўтказишни мақсад қилган.

Аслида ҳам енгил атлетика федерацияси мусобақалар ўтказиш борасида юртимизда етакчи спорт ташкилотларидан бири ҳисобланади. Йил давомида федерация томонидан турли халқаро ҳамда республика миқёсидаги мусобақалардан ташқари кўплаб оммавий югуриш беллашувлари ҳам ўтказилади. Енгил атлетикани ривожлантириш борасида 2008 йил давомида режага киритилган барча мусобақалар муваффақиятли ўтказилди. Жумладан, мамлакат биринчилиги, Ўзбекистон чемпионати ва кубоги, Қуролли Кучлар чемпионати, Республика олимпия заҳиралари спорт коллежи очиқ биринчилиги, шунингдек, анъанавий халқаро турнирлар ва Марказий Осиё давлатлари очиқ биринчилиги шулар жумласидандир.

Енгил атлетика аҳолининг кенг қатламини қамраб олганлиги сабаб мусобақалар нафақат профессионал спортчилар, балки ишқибозлар орасида ҳам ўтказилади. 2008 йил давомида вилоятларда ҳам кўплаб турнирлар ташкил этилди. Жиззах, Андижон, Самарқанд, Чирчиқ ҳамда Бухорода оммавий югуриш марафонлари ҳамда шаҳарлар кубоги мусобақасининг ўтказилганлиги фикримиз исботидир. Мазкур спорт тадбири йил давомида энг кўп югуриш ихлосмандларини жамлаган мусобақа сифатида эътироф этилди.

2008 йилнинг энг катта ютуғи деб эса, шубҳасиз терма жамоа аъзоларининг Пекин олимпиадасига ўн иккита йўлланмани қўлга киритиши бўлди. Терма жамоада ёш ва иқтидорли спортчилар кўпчиликни ташкил этади. Ёшлар терма жамоаси 2008 йилда ўтказилган Осиё чемпионатида иштирок этиб, медаллар билан қайтиб келишди. Уларнинг муваффақиятларида мураббий ва ҳакамларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Буни яхши тушунган Енгил атлетика федерацияси спорт ҳакамларини тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида кўплаб амалий ишларни бажарди. Турли малака ошириш семинарлари ташкил этилди. Қувонарлиси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тўртта ҳакамга миллий ва олий тоифадаги ҳакам унвонлари берилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан спорт соҳасида фаолият олиб бораётган энг яхши ходимларни тақдирлаш маросимида енгил атлетика федерацияси вице президенти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Геннадий Арзумановнинг "Спорт фидойиси" мукофотига лойиқ кўрилганлиги федерация учун яна бир улкан ютуқ бўлди.

– Юртимизда кўплаб иқтидорли спортчилар бор, – деди Г. Арзуманов. – Бизнинг асосий вазифамиз уларни излаб топиш ва маҳоратларини ошириш. Бунинг учун барча шарт-шароитлар етарли. Федерация жорий йилда ҳам турли мусобақалар ўтказишни режалаштирган.

Геннадий Арзумановнинг таъкидлашича, Республика олимпия заҳиралари спорт коллежида ўтказилган турнир йилнинг илк мусобақаси ҳисобланади. Мусобақа етакчи ва ёш спортчиларнинг тайёргарлик даражасини яна бир бор кўрикдан ўтказиш мақсадида ташкил этилган. Терма жамоа аъзолари баҳорда Қозоғистон, Қирғизистон ва Эронда бўлиб ўтадиган қатор халқаро турнирларда, Таиланд ҳамда Жанубий Кореяда ўтказилажак гран-при туркумидаги халқаро мусобақалар ва Германиядаги жаҳон чемпионатида қатнашади.

Ёшлар терма жамоаси ҳам нуфузли турнирларда, жумладан Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиладиган халқаро хотира турнири, ноябрь ойида эса Осиё чемпионатида иштирок этади.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" ҳам енгил атлетикачилар учун омадли келиши ва улар бунданда кўпроқ ютуқларга эришишларига умид билдириб қоламиз.

ЙИЛНИНГ ИЛК МУСОБАҚАСИ

ПОЙТАХТДАГИ "ДИНАМО" СПОРТ ЖАМИЯТИДА ДЗЮДО БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИЛИГИ БЕЛЛАШУВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда жами икки юз эллик олти нафар иқтидорли дзюдочилар тўққиз вазн тоифасида ўз имкониятини синовдан ўтказди. Айнан ушбу мусобақа Республика дзюдо федерациясининг жорий йилги мусобақалар мавсумини бошлаб берди.

Бухоронинг Олот тумани, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри, Қорақалпоғистон, Фарғона, Самарқанд жамоаларидан ҳар бир вазнда икки нафардан спортчи қатнашганлиги жойларда бу спорт турига бўлган эътибор юқори бўлганлигини кўрсатади.

Мусобақанинг биринчи куни ўттиз беш, ўттиз саккиз, қирқ икки, қирқ олти килограмм вазн тоифаларида ғолиблар аниқланди. Иккинчи кун эса бешта вазн тоифасида беллашувлар ўтказилди. Мусобақанинг эллик килограмм вазн тоифасида Азиз Кўзиев, эллик беш килограммда Владимир Югаев, олтмиш килограммда Пеле Тоҳиров, олтмиш олти килограмм вазн тоифасида Илҳом Искандаров биринчи ўринни эгаллаган бўлса, олтмиш олти килограммдан юқори вазнда "Динамо" клуби аъзоси Азамат Баҳодирзоданинг чиқишига ҳакамлар юқори баҳо беришди. Чунки у барча учрашувларни соф ғалаба билан ўз фойдасига ҳал этди.

Шу ўринда Пекин олимпиадасида муваффақиятли иштирок этган дзюдочилар Абдулла Тангриев, Ришод Собировларнинг Ўзбекистон дзюдо мактаби довруғини яна бир бор халқаро майдонларда намойиш этганлигини таъкидлаш жоиз. Ўсмирлар ўртасида ўтаётган бу каби мусобақалар эса уларнинг давомчилари бўлган иқтидорли ёшларни асосий таркибга саралаб олишда муҳим ўрин тутади. Биринчилик якунида ёш полвонлар орасидан тўққиз нафар энг маҳоратли дзюдочи танлаб олинди. Улар энди халқаро мусобақаларга борадиган терма таркибида ўқув машғулот йиғинларига жалб қилинади.

Мусобақа ташкилотчиларининг таъкидлашича, мазкур мусобақа анъанавий тарзда ҳар йили икки бор ўтказилиши режалаштирилган.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

КУЧЛИЛАР САФИДА

ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА СТАТИСТИКАСИ ФЕДЕРАЦИЯСИ (IFFHS) ДУНЁ ФУТБОЛ КЛУБЛАРИНИНГ 2008 ЙИЛДАГИ ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙЛАРИ РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Халқаро ташкилот экспертлари томонидан танланган йигирма беш нафар бош мураббий қаторида ўзбек футболи юлдузи Миржалол Қосимов ҳам бор. М.Қосимов ўтган йилги мавсумда Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоасини муваффақиятли бошқариб, футболчиларнинг Ўзбекистон чемпионати ва мамлакат кубоги мусобақаларида ғолиб чиқишига катта ҳисса қўшди. Бундан ташқари, қитъа миқёсидаги мусобақада илк маротаба қатнашган "Бунёдкор"нинг Осиё чемпионлари лигасида ярим финалга етиб келишида ҳам иқтидорли мураббийнинг хизматлари беқиёс бўлди.

Ўтган йилнинг энг яхши мураббийлари қаторига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ишлаётган мутахассислардан Россиянинг "Зенит" жамоаси билан УЕФА кубоги ва Европа суперкубоги мусобақаларида ғалаба қозонган голландиялик Дик Адвокат ҳамда Беларуснинг етакчи клуби "БАТЭ" устози Виктор Гончаренко ҳам киритилди.

Умумий рўйхатдан эса Алекс Фергюссон ("Манчестер Юнайтед"), Арсен Венгер ("Арсенал"), Рафаэль Бенитес ("Ливерпуль"), Жозе Мауринью ("Интер") каби таниқли мутахассислар жой олган.

ЁШЛАРИМИЗ ФИНАЛДА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ҚАТАР ПОЙТАХТИ ДОҲА ШАҲРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ, ЕВРОПА ВА АФРИКА ҚИТЪАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ФУТБОЛЧИЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ "ДЎСТЛИК" ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА ҒАЛАБАЛИ ЎЙИНЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА. АҲМАД УБАЙДУЛЛАЕВ ШОГИРДЛАРИ АНЪАНАВИЙ ТУРНИРНИНГ ЯРИМ ФИНАЛИДА ЯПОНИЯ ФУТБОЛЧИЛАРИНИ 3:2 ҲИСОБИДА МАҒЛУБ ЭТИБ, БОШ СОВРИН УЧУН КУРАШАДИГАН БЎЛИШДИ.

"А" гуруҳидаги учрашувларда Беларусни 1:0, Малайзияни 4:2 ва мусобақа мезбони – Қатар терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, ярим финалга йўлланма олган Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари финалга чиқиш учун ўтказилган беллашувда ҳам мухлису мутахассислар ишончини оқлади.

Қитъанинг икки етакчи терма жамоаси ўртасидаги учрашув кескин курашлар ва голларга бой бўлди. Ўзбекистонлик футболчилар биринчи бўлимнинг бошларидаёқ ташаббусни ўз қўлларига олишга эришишди. Натижада ўн саккизинчи дақиқада Фозил Мусаев аниқ зарба билан ҳисобни очди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида японияликлар вакили Тома Такефуми жамоадошларининг қарши ҳужумини самарали якунлаб, вазиятни тенглаштирди. Бироқ японларнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Терма жамоамиз сардори Шерзод Каримов рақиб дарвозасига иккинчи тўпни киритди. Ўйин якунланишига ўн бир дақиқа қолганида Кенжа Тўраев учинчи голга муаллифлик қилди. Кунчиқар юрт футболчилари эса ўйин якунлангунча Дониёр Усмонов дарвозасини яна бир бор ишғол қилишди.

Иккинчи ярим финалда Сурия ёшлар терма жамоаси Удай Ал-Жафал ва Хани Ат-Тайёр томонидан киритилган голлар эвазига Қатар футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

"Дўстлик" халқаро турнирининг бош соврини соҳиби Ўзбекистон ва Сурия ёшлар терма жамоаси ўртасида ўтказиладиган финал учрашувида аниқланади.

Боҳир БЕК

Китоб — билим манбаи.

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Парижда ижобий тақризлари учун артистлардан пора олиб юрадиган бир музика танқидчиси бор экан.

Кунлардан бир куни унга «Опера Комик» солисти Батель мурожаат қилади. У таниқли танқидчидан яқин орада ўтказилиши мўлжалланаётган кўрикда ўзи ижро этадиган янги ролини мақтаб мақола ёзиб чиқишни илтимос қилади. Ҳозирча камхаржроқ эканини, кейинги ойда биратўла яхшилаб рози қилишини айтади.

Тақризчи зўр бир мақола ёзишини айтиб артистни ишонтиради.

Тез орада танқидчининг каттагина мақоласи эълон қилинади. Унда Бателнинг номи охиридагина тилга олинганди: « Жаноб Батель истиқболли артист. У келажакда умидимизни оқлайдими йўқми – тез орада маълум бўлади».

* * *

Ҳукумат идорасида катта амалдор бўлган буюк немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте машҳур композитор Бетховен билан тез-тез учрашиб турарди.

Кунлардан бир куни улар Венадаги истироҳатгоҳда айланиб юришганди. Атрофдан ўтаётганлар уларга таъзим қилиб ҳурмат-эҳтиромларини изҳор этишарди. Таъзимларга фақат Гётегина шляпасини сал кўтариб қўйиб жавоб қиларди. Ахийри бу илтифотлардан безор бўлган шоир ҳамроҳига шундай гап қотади:

— Бу таъзимлар жонимга тегди!

— Азият чекмасинлар, ҳазрат олийлари, — дейди Бетховен вазминлик билан, — балки бу таъзимларнинг менга ҳам оз-моз даҳли бордир!..

* * *

Рахманинов Америкага келганда бир танқидчи ундан сўраб қолади:

— Намунча бунақа оддий кийинасиз, маэстро?

— Менга барибир. Ахир мени бу ерда ҳеч ким танимайди-ку! — деб жавоб қилади машҳур композитор.

Орадан бир йил ўтади.

Ўша танқидчи Рахманиновни учратиб, яна ўша саволни беради.

— Менга барибир, — дейди композитор кулимсираб. — Ахир мени шундоғам ҳамма танийди-ку!

* * *

—Мен ҳаётда учта нарсани яхши кўраман, — дейди композитор Глюк бир дўстига. — Булар — пул, вино ва шуҳрат.

—Шуҳрат охирги ўриндами? — дўсти ҳайрон бўлиб сўрайди.

— Албатта. Винони пулга сотиб оламан, вино менга илҳом бағишлайди, илҳомдан эса шуҳрат келиб чиқади.

* * *

Кунлардан бир куни машҳур итальян қўшиқчиси Карузо пулини олиш учун почтага келади. Ёнида паспорти бўлмагани учун почтачи пулни бермайди. Шунда Карузо ўз шахсини тасдиқлаш учун бир операдан арияни қойилмақом ижро этиб, пулини олади.

Бу воқеани эшитган бир танқидчи Карузога иддао қилиб дейди:

— Энрико, бу ахир санъатни таҳқирлаш-ку!

— Ишинг қисталанг бўлиб турганда кўзингга санъат ҳам кўринмайди! — дея жавоб қилади Карузо.

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Юнусобод туманидаги 271-мактаб томонидан 1991 йилда Илҳомова Муқаддам номига берилган №504024 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 07

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4554 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 6

Топширилган вақти: 13.58